

# ЭРТАГА – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ



### ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Энди гап фақат овоз беришда қолди, – дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин КОМИЛОВ

– Ҳурматли Нажмиддин Комилов, бутун биз мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа арафасида турибмиз. Эртага – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кунини кўриб қўлиб, ушбу сайловнинг характерли жиҳатлари билан танишадиган бўлишимиз мумкин. Эртага – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кунини кўриб қўлиб, ушбу сайловнинг характерли жиҳатлари билан танишадиган бўлишимиз мумкин. Эртага – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кунини кўриб қўлиб, ушбу сайловнинг характерли жиҳатлари билан танишадиган бўлишимиз мумкин.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 8 январ шанба

Сотува эркин нарҳда № 6 (2303)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА ТАБРИГИ

**Мухтарам биродарлар!**  
Авало, сизларнинг барчангизни юртимизга кириб келган муқаддас айём – Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бу табаррук байрамни бутун ер юзидаси мўмин-мусулмонлар энг пок ва эзу туйғулар билан мунтазир бўлиб кутадилар.  
Она-заминимизга илоҳий марҳамат ёғилган мана шу кутлуғ кунларда ҳар бир инсон, аввало, ўз оиласи, ўз яқинларига Оллоҳ таолодан бахт-саодат тилайди, эл-юртда меҳр-оқибат, ўзаро аҳилик, ҳурмат-ҳўшмурад, хайр-саховат ҳукм суришини, иймон-эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини сўрайди.  
Бу муборак байрамнинг янги аср арафаси – 2000 йил бошига тўри келгани ҳам бежиз эмас. Бу кутлуғ айёмини руҳан поклаб, олжшанб орзу-умидлар билан кутиб олишимизнинг рамзий мазмуни, илоҳий маъноси бора. Бу ҳам бўлса, Яратганимизнинг бизга ато этган яна бир улғун нёъматидир.  
Мана шу файзли кунларда одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдамга муштож инсонларнинг ҳолдан хабар олиши, беморлар, қариюрликни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариши – муқаддас ислом дини-

мизнинг энг улғун фазилатларидандир.  
Шу маънода, мен мамлакатимизда бошланган Мурувват кунлари бутун йил бўйи давом этишини истардим. Чунки бундай ўлмас қадриятлар бизга отабобларимиздан мерос бўлиб, уларнинг исломий тарбияси орқали қалбимиздан, юракимиздан тегир жой асган.  
Биз – бутун ислом дунёсидаси буюк хизматлари билан ном қозongan Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғоний, Баҳауддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг бузғун авлодлари, Истиқлол шарафати билан табаррук Рамазон ҳайити – Ийд ал-Фитрни жаҳондаси барча соф ийтли мусулмонлар қаторида шоду хуррамлик билан байрам қилишига мунсабат бўлганимиздан бахтиёрмиз.  
Бу улғун ва мўтабар байрам билан сизларни яна бир бор самимий кутлар эканман, барчангизга сўҳбат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга фаровонлик тилайман.  
Менинг Оллоҳ таолодан доимо сўрайдиган тилагим – юртимиз тишч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг боши омон бўлсин!  
Рамазон ҳайитингиз кутлуғ бўлсин!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари,  
Ийд ал-Фитр муносабати билан Америка халқи номидан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этиш мени тоғт мамну этиди.  
Ушбу байрам инсон ҳуқуқлари принципларининг асоси бўлган эътиқод эркинлигининг руҳантуйғувчи муҳим омилли сифатида намоён бўлади.  
Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистони замонавий демократияга ва ривожланишга бозор иқтисодиётига ўтишда қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришдан мамнуни изҳор этиди.  
Эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Зоти Олийларига энг самимий табриқларимни тақдим этаман. Фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам солиқ, бахт-саодат ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамшира фаровонлик ва толе ер бўлиши учун энг эзу тилақларимни изҳор этаман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,  
Туркия Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ойининг тугаши ва Ийд ал-Фитрнинг кириб келиши муносабати билан самимий табриқларимни йўллайман. Ушбу кунлик кунларда қардош Аллоҳдан Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса давомли тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.  
Айёмингиз муборак бўлсин!

Қобус бин САИД,  
Уммон Султони

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуху Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини муборак Рамазон ҳайити билан самимий кутлайман.  
Ислом динининг инсонни тарбияловчи ва тараққиёт этан бирлаштирувчи таълимотларидан баҳраманд бўлган ҳолда, алоқат, эркинлик, инсоний эътибор-эҳтиром қонларига таяниб, овоз, мустақил ва маънавий баркамол жамият тузиши йўлидан олим-лайбарамиз, дея умид қиламан.  
Худованди Каримдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бу йўлда бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилайман.

Сайид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,  
Эрон Ислом Республикаси Президенти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийларини,  
Ислом уммати муборак Ийд ал-Фитр айёмини нишонлаётган давларда Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистоннинг биродар халқига самимий табриқларим ва эзу тилақларимни йўллайман менга мамнуни бахш этиди.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат ато этишини, Сизнинг биродар халқингизга эса тараққиёт ва доимий фаровонлик сўраб қоламан.  
Маъмур АБДУЛҚАЮМ,  
Малди Республикаси Президенти

### МУРУВВАТ ЯХШИЛАР МЕҲРИ

Президентимиз ташаббуси билан Рамазон ойининг охириги ўн кунини – «Мурувват ўн кунлиги» деб эълон қилиншини навоийликлар катта мамнуни билан кутиб олдилар. Бу давр вилоятнинг барча шаҳар, туман, овул ва қишлоқларида эълонлик, саховат, мурувват ва меҳр байрамига айланган кетди. Шундай тантаналардан бири Навоий шаҳридаги реабилитация марказида бўлиб ўтди. Вилот ҳокими Ғ.Дилдор бу ерда саломатлигини тиклаётган ногиронларни муборак Рамазон ҳайити, му-

рувват ва саховат байрами билан самимий табриқдан ҳамда уларга совғалар уладди. Тантаналарда эзула чиққанлар халқимизнинг улғун аналари билан тиклаш ва тарбия этишда раҳимоналик қилаётган Юртбошимиздан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этидилар.

Эртага яна бир кутлуғ турган отади. Бу онгда халқ унинг порлоқ истиқбол йўлига олиб чиққан Йўлбошимизга овоз беражак.

Маҳмуд МАРДИЕВ,  
Навоий вилояти.



162-САЙЛОВ УЧАСТКАСИ  
162-САЙЛОВ УЧАСТКАСИ  
KUSH KELIBSIZ!

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига бир кун қолди. Бу янги 2000 йилда мамлакатимиз сиёсий ҳаёти саҳифаларида муҳимлиги шубҳасиздир. Шу боис ҳам бутун Президент сайловини ўтказувчи қайси бир округ ёки участкага борманг, у ерда эртани сайлов тадбирларини ўтказиш учун ана шундай қизғин фаолият олиб борилаётганининг шохиди бўлсан. Мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари эртага ёруғ юз ҳамда яқдиллик билан чинакам юртпарвар, халқпарвар ва фидойий номзод учун овоз бериладилар.

В.ПОРТНОВ  
олган сурат.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “НОУ-ХАУ”СИ

Ўзбекистон Республикасида Қадир тайёрали миллий дастури ва унинг несири бўлган – Ўзбек модели янги равишда қадир тайёрали ва улғун сиз таълим соҳасида амалда оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро таълим-фан ва ҳаёт тартибларида катта қизғин ўйотмоқда. Тошкентда 15-16 декабр кунлари бўлиб ўтган “Қадир тайёрали миллий дастури: ислохотлар натижалари ва истиқболлари” мавзудаги халқаро илмий-амалий конференция бунинг ёрқин далилидир.  
Қуйида Ўзбекистонда Қадир тайёрали миллий дастурининг амалии оширилади борасида Олий мақтаб Халқаро Фанлар Академиясининг Президентини – таълим олим ва Олий мақтаб бўлини мутахассис, профессор, Россия Федерациясининг хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, академик, Россия Федерациясининг Федерал Мақсади Давлат Думаси раисининг илм-фан ва таълим бўлини масъуляти Валентин Ефимович ШУКШУНОВ ўз мунозараларини билдириди.

– Даставвал мазкур академия ҳақида тўхтайсак. Олий мақтаб Халқаро Фанлар Академияси 1992 йилнинг июлида Москвада ўз-ўзини бошқаришчи жамоатчилик илмий ташкилоти сифатида ташкил топди. Бу ташкилот дунёнинг илгор академияларида хос таълимларга асосида фаолият кўрсатиб, ўз таркибидаси турли мамлакатларнинг асосан олий мақтаб тизимида ишловчи таълим олимларини бирлаштирди.  
Академиянинг асосий мақса-

ди – илм-фан ва олий таълим тараққиётига қўмақчилик, уларнинг ютуқларидан маълумати қадрлар тайёрлаш ва таълимнинг юқори сифатини таъминлашда, жамият маънавий салоҳиятини ва фаровонлигини ошириш, олий мақтабнинг тизимли таълими ва ривожланишини амалда ошириш, шунингдек, дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим тизимининг инновациясига ёрдам беришдан иборат.

Академиянинг асосий мақсади – илм-фан ва олий таълим тараққиётига қўмақчилик, уларнинг ютуқларидан маълумати қадрлар тайёрлаш ва таълимнинг юқори сифатини таъминлашда, жамият маънавий салоҳиятини ва фаровонлигини ошириш, олий мақтабнинг тизимли таълими ва ривожланишини амалда ошириш, шунингдек, дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим тизимининг инновациясига ёрдам беришдан иборат.

Мен аминманки, Ўзбекистон ўз Йўлбошимиз раҳбарлигида қўллаб ютуқларга эришадим, менинг энг эзу тилақларим эса унинг барча сайёҳаракатларида ҳамроҳлик қилади.

“Жаҳон” АА.

мания-Ўзбекистон муносабатларини янада дўстона руҳда ривожлантириш бағдасили таҳлил этилади ва шунингдек, келажакда мўлжалланган режалар ишлаб чиқилади.

Бўлажак XXI аср Ўзбекистон давлати раҳбарини таҳлил қилишда, агар улар бозор иқтисодини барпо этиш, маориф тизимини ислоҳ этиш ва демократик тузилмаларни янада кенгайтириш йўлидаги бундан бунёнги иқтисодий ривожланишини ислоҳотлар, юксак талаблар қўлиди.

Мен аминманки, Ўзбекистон ўз Йўлбошимиз раҳбарлигида қўллаб ютуқларга эришадим, менинг энг эзу тилақларим эса унинг барча сайёҳаракатларида ҳамроҳлик қилади.

“Жаҳон” АА.

## Райнхарт БИНДЗАЙЛ, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси: “ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – БУ МУҲИМ ВОҚЕА”

– Агар мендан 1999 йилда ёзда қолганда таъсирли воқеаларни сўрашса, мен шу заҳоти Тошкентда 16 февралда содир этилган террорчилик ҳаракатларини, август ойида қўшни ҳудудда содир этилган ва ниҳоят, 1999 йил ноябр ойида унинг акс-садоси Ўзбекистонга ҳам келган террорчилик ҳаракатларини эслайм. Мамлакат таҳдидининг янги турига дуч келди ва унга ҳайрон қоларди ва алоҳида дадиллик билан жаов берди ва эндиликда унинг халқи терроризм ҳамда ислом ақидаларидан қўчирилган ўз йўлидан буришга йўл қўймайди. Ўзбекистон йил руҳда бозор иқтисодиёти ва демократик тузилмаларни кенгайтиришга қаратилган ўз йўлидан дадил олға сиришда давом этади.

Парламент сайловлари 1999 йилнинг муҳим воқеаси бўлди. Бу ерда ҳам мен эндиликда алоҳида матин кўраман. Парламент сайловларининг натижалари Ўзбекистон ўзи интилайтган конституциянинг баркарорлигини таъминлашда ва демократик равишда ривожланишда давом этаётганини кўрсатди.  
2000 йил муқаддасининг муҳим воқеаси эса, албатта, Президент сайловидир. Биз, халқаро кузатувчилар Президент Каримовнинг қайта сайланишига ишонамиз. Мен унга солиқ-саломатлик, баркарорлигини сақлаш ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий мажбуриятларини мувофиқлаштириш (биз, хоржий кузатувчилар бу ерда

конвертация масаласини тартибга солишини назарда тутиш) каби масъуляти ишларда муваффақиятга тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, фикримча, Германия-Ўзбекистон муносабатларида энг муҳим воқеани, жумладан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комиловнинг Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер тақдирини 1999 йилнинг сентябрий ойида Берлинга расмий таширини эслаб ўтишни истардим. Ташир давомида Гер-



# ИНСОН УЧУН ОВОЗ БЕРАЙТИК!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "НОУ-ХАУ"СИ

(Давомий. Боши 1-бетда).

Хозирги кунда академия таркиби дунёнинг АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Япония, Россия, Ўзбекистон ва шу каби 43 мамлакат вакиллари билан иборат 1000 дан ошқ ҳақиқий фахрий аъзоларидан иборат. Улар орасида Нобел мукофоти лауреатлари, академиклар И.Р.Пригожин, Н.Г.Басов, Япониядаги Токио таълим тизими раҳбари, академик Т.Мацумаэ, Россия Фанлар академиясининг 40 дан ортиқ академиги ва мухбир-аъзолари, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг президенти В.И.Покровский ва унинг ҳақиқий аъзолари ва мухбир-аъзолари шунингдек, Россия Федерациясининг бошқа соҳа академиялари аъзолари, Москва давлат университети ректори В.А.Садовничий, Н.Э.Бауман номи Москва давлат техника университети ректори И.Б.Федоров, Москва халқаро университети ректори Г.А.Югаев, дунёнинг бошқа мамлакатлари миллий академиялари аъзолари академияларнинг вице-президентлари.

Бир неча муҳлат аввал менга Олий мақаб Халқаро Академиясининг президенти раҳбарлигида кўра, фахрий вакиллик топиридаги — мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Фахрий академик дипломи ва тегишли атрибутларини топиридим.

Президентта бу унвон таълим тизимининг назарияси ва амалиётига қўшган фундаментал шахсий ҳисса, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий ислохотидagi хизматлари учун берилди. Дунёнинг бирор мамлакатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, мажбур муаммони ҳал

қилишга янгилаш имконияти бўлганда, бундай кенг қўламли дастурга давлат бошлиқ раҳбарлик қилиши учрамайди.

Кейинги пайтларда биз Ўзбекистонда маънавий, ахлоқ-одоб масалаларига кенг эътибор берилганлиги ва ҳаётга жадал таъбиқ этилаётганлиги ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз. Энциклопедия эса бунга амалда кўриш имконига эга бўлди. Уларнинг шаклланиши ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларни чуқурроқ ўзлаштириш, жамият олдига турган муҳим муаммоларни ҳал қилиш, нафақат мутахассисни, балки Шахсини тарбиялаш имконини беради. Биз хозир Ўзбекистонда амалга оширилган ишларнинг моҳиятини тушунаемиз.

"Ислохотлар сиёсати" тушунаси дунёнинг турли мамлакатларида, айниқса, МДХ мамлакатларида кенг қўлланмоқда. Бироқ унинг дастлабки маъноси ўзгариб кетди. Хозирги кунда ислохотларнинг моҳияти фуқаролар ҳаётини яхшилаш эканлигини ҳамма хал тушунавермади. Шу сабабдан Ўзбекистондаги "Ислохотлар инсон учун" шiori, бизнингча, объектив реалликдир.

Президент Ислам Каримов демократик, алоқали, фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий тамойилларини белгилаб беради экан, таълим тизимининг ривожланиши ва ёш авлодин тарбиялаш энг муҳим устувор йўналиш эканлигини таъкидлади. Иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳаларда барча ислохотларнинг асосий мақсоди инсон, унинг фаровонлигиндир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосида мана шу тамойил ётади.

Буюк келажак сари интилишда ва Президент Ислам Каримовнинг ислохот соҳасидаги фаолияти туфайли, инсон шахсини тан олишга, қонунлар, аҳолининг ижтимо-

ий ҳимояси, инсон ҳуқуқи ва эркинликларни ҳимоясига йўналтирилган тадбирлар тарихи ўзи-ўзини оқлайди.

Кабул қилинган "Таълим тизимини"ни Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўзининг кенг қўламлилиги ва моҳиятига кўра, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг, давлатнинг ва жамиятнинг ижодий тараққийини таъминлайди.

Дастур нафақат таълим соҳасини яхшилаш ва юқори маънавий мутахассисларни тарбиялашга, балки мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгартиришга доир йirik ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга, жамият имкониятларини рўйбта чиқаришга йўналтирилган.

Яқинда сиёсий мустақилликка эришганига қарамастан, Ўзбекистонда таълим тизими қадимий анъаналарга эга. Дунё маданияти маърифатпарварларининг "Олтин фонди"да, буюк олимлар қаторида Шарқ мутафаккирларининг ўзи ўрни бор. Булар Улуғбек, Ибн Сино, ал-Фаробий, ал-Фароғий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бериунӣ ва бошқалардир.

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг улдузсиз таълим тизимига янги давлат таълим андозлари жорий этилмоқда. Уларда мутахассисларга қўйиладиган интелектуал, маънавий-ахлоқий, фундаментал илмий ва касбий маълумот белгилаш, шахс ва жамиятнинг бирлиги қайд этилган.

Икки йил ичда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида замонавий жиҳозланган 250 га яқин академик лицей ва касб-хунаро коллежлари ташкил этилди. Мен қатор янги таълим маъсасалари бўлиб, уларда энг илгор технологиялар, энг янги педагогик усуллар қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлидим. Еш ўқитувчилар ва раҳбарлар яхши таассирот қолдириди. Масалан, Тош-

кент қурилиш коллежи директори — техника фанлари доктори экан.

Айнан академик лицейлар ва техник коллежлар аънавий ўқув муассасалари билан биргаликда таълим тизимининг улдузсизлигини таъминлайди.

Тошкент ва Бухорода кўрганларим ўзининг динамики, мутахассислар тайёрлаш сифати билан мени ҳайрон қолдириди. Ҳа, Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, ўзига хос таълим "Маккаси" бўлиб қолди. Бу ерда қўп нарсани ўрганиш, кўриш, бошқа мамлакатлар миллий таълим тизимлари билан муваффақиятли қўллаш мумкин.

Республикада иқтидорли болалар ва ёшларни чет элда тайёрлаш бўйича фаолият амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус "Умид" жамғармаси ташкил этилган бўлиб, буғунги кунда қўллаб ўзбекистонлик талабалар чет элнинг нуфусли олий ўқув юртиларида таълим олмақда. Махсус ташкил этилган "Устоз" жамғармаси ёш ўқитувчиларнинг чет элларда таълим олишига ёрдам беради.

Олий ўқув юртилари, ўрта махсус ўқув юртиларида АКШ, Германия, Англия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг етакчи профессорлари ларс бермоқда.

Ўзбекистонда 1998 йилда таълимга сарфланган харажатлар янги ички маҳсулотнинг 7,6 фоизини, 1999 йилда эса 8,1 фоизини ташкил этди. Дунёнинг айрим мамлакатларида бундай кўрсаткичларга эга. Менимча, келтирилган рақамларнинг ўзи kifовий. Чунки бу объектив ҳақиқатдир.

Президент ўз китоблари, мақолалари, нутқларида таълимнинг устуворлигини, уни демократлаштириш, лозимлигини таъкидлайди. Ўзбекистон таълимнинг ижтимоийлаштирилиши тарафдоридир. Бу эса

## САРҲИСОБ

Ўзимиздан қисс: мустақил фермер ҳўжалиги тузиб кам бўлмадик. 24 гектар ерда леҳончилик, чорвачилик билан шуғулланамиз. Уттан йили давлатта пахта сотиш режамизни роппа-роса 200 фоиз бақардик. Бундан ташқари, давлатта 16 тонна сўт, 11 тонна шoли, 3,6 тонна гўшт, 2 тонна пилла сотдик. Соф фойдамыз ой сайин кўпаймоқда. Бир қанча техника воситалари сотиб олдик. «Нексиямиз» бор. Муштоқ кишилар дoмий ривожда ёрдам бериб келамиз.

Мустақиллик марҳамати билан Ҳаж сафарига бориб қайдим. Бундан ортиқ даврон, бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Инсонга нисбатан бундай иззат-икром, эъзoза ҳар қанча шукрона айтсақ арзийди.

Рамазон ҳайитининг республика Президентини сайлов кунин билан баҳамти келишида ҳам раъийи мийно бор. Аллоҳга, эл-юртга эътиқод қўйган Йўлбошимиз сай-ҳаракатлари билан қанчалар қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Еки меҳр-муруват ўн кунлигини олинг. Бунда катта ҳикмат бор. Чунки йилни хайру саховат билан бошлаган элнинг бошга, албатта, бахт куши қўнади!

Шу билан бирга, қуйидагиларни қайд этдикиман. Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг юртилиши, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзига хос "ноу-хау" сидир. Бундай таълим ижтимоий-иқтисодий, демографик шароити, маданият-тарихий урф-одатлари ўқшаш бўлган мамлакатлар фойдаланиши мумкин.

Валентин ШУКШУНОВ, Олий мақаб Халқаро академиясининг Президенти. Москва. ("Труд" газетасининг 2000 йил 5 январь сонидан)

**Маҳмуджон ҒОҒУРОВ**



Ўзбекистон миллий театр санъати оғир жудолуқка учради. Республика мусиқади театри йирик намоёндаларидан бири, театр санъати ривожига улкан ҳисса қўшган истеъодли санъаткор, халқимизнинг ардоқли ва эъзoли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғоғурoв 83 ёшида оламдан ўтди.

Маҳмуджон Ғоғурoв 1917 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Театр санъатига бўлган муҳаббат ёш Маҳмуджонини Тошкент театр билим юртига етаклади. Ундаги турмуш истеъод устозлар назарига тушиб ва ўқишга қабул қилинди. Билим юртини 1939 йилда муваффақиятли тугатган М. Ғоғурoв Муқимий номидаги мусиқали драма театрида иш бошлади. Тез орада мусиқали театр санъатининг кўзга кўринган актёрларидан бирига айланди. Театр репертуридан ўрин олган мусиқали спектаклларида бош қаҳрамон образларини яратди. М. Ғоғурoв 1951 йили Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ижодий жамoасини иқтидорли янги кучлар билан мустаҳкамлаш мақсадида шу театрга ўтказилди. Бу ерда ҳам санъаткор катор опера асарларида бош партияларни ижро этди. "Гулсара"даги Қодир, "Буюк қанат"даги Бўгажон, "Йайли ва Мажнун"даги Мажнун шунлар жумласидандир.

М. Ғоғурoв 1953 йилда яна жонахон Муқимий номидаги республика мусиқали драма театри жамoаси сафига қайтиб келди ва умрининг охиригача ушбу табаруқ даргоҳда баракли ижод қилди. Таниқли ижодкор театр саҳнасида яратган Тоғур ("Тоғур ва Эҳра"), Фарҳод ("Фарҳод ва Ширин"), Ҳайдар ("Нурхон"), Алпоминш ("Алпоминш"), Турсунали ("Олтин кўл") каби образлар миллий мусиқали театр санъатининг энг катта ютуқлари сифатида эътироф этилди.

И. КАРИМОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Т. АЛИМОВ, Н. ЖўРАЕВ, Х. ЖўРАЕВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ, Ғ. АЪЗАМОВ, Е. АҲМЕДОВ, Ф. АҲМЕДОВ, Б. ИХТИЁРОВ, З. МУҲАММАДЖОНОВ, С. ПўЛАТОВ, Б. ҚОРИЕВА.

Ижодкорнинг самарали меҳнати ҳўкуматини томонидан муносиб тақдирланди. Унга "Ўзбекистон халқ артисти" унвони берилди. Биринчилардан бўлиб мустақил давлатимизнинг "Меҳнат шўҳрати" ордени билан тақдирланди.

Марҳумнинг она аъзоларига чўқур тазвия изҳор қилмак, муборак ийди Рамазон арафасида Яратгандан уни ўз раҳматига олишини тилаймиз. Ўзбек халқининг суоқли фарзанди, атоқли санъаткор Маҳмуджон Ғоғурoвнинг хотира-си қалбимизда бир умрга қолади.

**Сафарбой ИБРОҲИМОВ, Элликальа туманидаги «Уйкал» фермер ҳўжалиги раҳбари.**

**КўШИМА КОРХОНАНИНГ ТАҚДИМОТИ**

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида жойлашган Тошкент қўш мақабалида «Ройал-Фуд-Тошкент гўшт» Ўзбекистон-Ирландия қўшма корхонаси иш бошлади. Яқин келажакда нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз аҳолисини ҳаёон андозаларига мос колбаса, сосиска ва бошқа гўшт маҳсулотлари билан таъминловчи бу янги корхона биринчи линиясининг ишга туширилиши туфайли 120 нафар ишчи-хизматчи мўқим иш ўрнига эга бўлди.

— Биз мавжуд дастоҳларни модернизациялаш орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни бош мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди корхонанинг Ирландия томони директори Игорь Христенoвский. — Шундай қилинганда, нисбатан кам маблаг сарфланиб, харажат тез фурсатда қопланади. Олинган фойда ҳисобидан эса иккинчи ишлаб чиқариш линиясини кўра бошлаймиз.

Тақдирот маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

Темура АБДУРАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Марк САНДЛЕР, Оксфорд университетининг ҳуқуқшунослик фанлари магистри:**

**«МЕН ЮРТИНГИЗГА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМАН»**

— Мен, Буюк Британия фуқароси, Ўзбекистон Республикасида 1993 йилдан буюн яшайман ва ишлайман. Менга сўнги йилларда республикада содир бўлган асосий воқеаларнинг шoҳиди бўлишлик nasib этмоқда.

Шубҳасиз, янги давлат тузиш жараёни одатда маънавий қийинчиликлар билан кечади. Бироқ танқид қилиш жуда осон. Ўзбекистон мустақиллиги

тўғрисидаги Декларация қабул қилинган кундан буюн ўтган қисқа вақт мобайнида мен шахсан нафақат сиёсат, балки иқтисодиёт соҳасида ҳам амалга оширилган сезиларли ўзгаришларнинг шoҳиди бўлидим. Бу қисқа фурсат ичда бундай юқори даражадаги профессионалликка ва ташкилотчилик ишлари эришилгани кишини ажаблантиради. Фикримча, собиқ Совет Иттифоқининг бошқа республикаларига

қараганда мамлакатингизда Президентинг кучли раҳбарлиги остида унинг ривожланиши учун мустаҳкам ва ишончли асос яратилгани аниқдир.

Келажакда Ўзбекистон сармоюдорларга кўпгина кафолатлар бера олагани, ривожланган инфраструктурали кучли ҳўкуматини ва яхши келажак учун ҳамжихатликда сабот билан меҳнат қилишга интиладиган халқни дунёга намoён эта олади,

«Ҳаёон» АА.

**Олий ҚАДРИЯТ**

ларда намoён бўлар эди. Ҳолбуки, судьялар сиёсий манфаатлардан, сиёсий партиялар, аҳоли гуруҳлари таъсиридан ва шу қабилидан мутлақо холи бўлишлари лозим.

Қайд этилган барча афзалликлардан ташқари судьяларнинг тайинланиши тамойил касбий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган етук кадрларни танлаш имконини беради.

Бизнингча, мамлакат Олий судлари судьяларининг Президент тақдиротмасига асосан Олий Мажлис томонидан сайланиши асосидир, чунки бу судлар Олий суд ҳoқимияти мақомига эгадирлар ва уларнинг Президент ҳамда Олий Мажлис томонидан шаклланиши демократия талабларига тўла жавоб беради. Шунингдек, ушбу судлар судьяларига уларнинг ваколатларига мумос келадиган даражада янада юқорироқ маъна касб этади.

Судьялар мақомидаги бу ўзгаришлар сўзсиз равишда инсон ҳуқуқларининг асосий қафолатларидан бири бўлган судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш каби жиддий муаммонинг тўғри ҳал этилишига хизмат

Муҳокама жараёнида бошқа мулоҳазалар билан бирга, қўллаб эътиборга молик тақлифлар ҳам билдирилди. Жумладан, халқаро амалиётдаги суд жараёнида ўзаро тортишув тамойилни таъминлаш мақсадида суд муҳокамасида давлат айбловчиси (прокурор) ва адвокатнинг процессуал ҳуқуқларини ҳақиқатда тенглаштириш лозимдир.

Албатта, бу ва бошқа тақлифлар жуда эътибор билан ўрганишни тақозo этади, чунки улар ўта муҳим ва жиддийдир. Биз бу ўринда мутлақ ҳақиқатга ҳеч ҳам даъво қилмаймиз.

Шунингдек, умид қиламизки, ҳуқуқшунос ҳамкасбларимизда ушбу тақлифларда кимингидир идоравий манфаатдорлиги бор, деган фикр туғилмаслиги керак. Чунки гап инсон манфаатлари ҳуёусида, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз ва невараларимиз ҳар қандай қонунсизликлардан ҳимояланган ҳолда муносиб ҳаёт кечирадиган, сиёсий арбоблар эмас, балки қонунлар бошқарадиган жамият барпо этишдек буюк орзу ҳақида бормоқда.


Абдусамат ПОЛВОЗЗОДА, Олий Мажлисининг Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш бўйича Комиссия раиси.

**СОВПЛАСТИТАЛ**


**ЎЗБЕК-ИТАЛИЯ ҚўШИМА КОРХОНАСИ**

барча ўзбек халқини муқаддас мўсўлмон байрами — РАМАЗОН ҲАЙИТИ билан муборакбoғ этади!

Шу қўтлўғ айёнда Ўзбекистондаги ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик, оқибатчилик ва бахт тилаймиз!



# РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!



Рамазон ойида тугилган раъз, асосан, эжсоний, тан ва бадан ибодати сифатида талқин этилади, у кенгроқ моҳията эга бўлиб, маънавий-руҳий ибодат ҳамдир.

Раъз илоҳиятга тегишли ибодат, лекин у муҳим дунёвий моҳиятга эга. Чунки у шубу дунёнинг ўзи сингари, унда ашайдиган Инсон манфаатларига хизмат қилади. Раъз Оллоҳ розилиги учун тугилади. Аммо Оллоҳнинг олами яратилган асосий мақсади Инсон ва унинг манфаатлари эди.

Раъз Оллоҳ томонидан Инсоннинг маънавий камолоти йўлидаги қурашнинг бир воситаси сифатида жорий этилган диний ибодатдир.

Рамазон Инсоннинг энг ёвуз душмани Нафс билан курашиб, уни енгиб, ғалаба қозониш оидир. Шунинг учун қадимий манбаларда Рамазон «Байрам ойи» деб ҳам аталади ва ифтихор билан маъх этилади.

Бир эмас, ўнга шайтон ҳам бас кела олмайдиган Нафс фақат ейиш ва ичишга ҳирс қўйишдангина иборат эмас. Нафс инсоннинг кийиниш ва эб-зийнатга берилишида, ўнга бино қўйиб, кибру ҳаво пайдо қилишида, манфаатпарастликда, шайтонига асир бўлишида, амал-мартабага интилишида ва ҳоказо ҳаракат-

имони суғ кетади, унинг гуноҳига шерик бўлади. Ғараз-ғўйликка ишониб, унга амал қилувчи, уни кенг ёйувчи кимса эса дузах азобига маъхумдир.

Қўни ёмон ишлардан — ўғрилик қилиш, бировни уриш ва ҳоказо гуноҳлардан пок сақлаш эса қўл раъзасидир.

Ифлос жойларга бормаслик, ифлос нарсаларни босиб ўтмаслик, майхонани, фойхашонани, қиморхонани тарк этиш оқ раъзасидир.

Инсон аззолари орқали унинг вуҳуди ва руҳига йўл топувчи жамки иллатлар унинг танасининга эмас, балки таъбини хиралаштиради, кўнгли кўзгусини бўлғайди.

Рамазон тинчлик, осойишталик, хотиржамлик оидир. Рамазон яраш ва суғ оидир. Рамазон тавба ва кеңиримлар оидир. Рамазон қаноат, сабр-тоқат, сабот ва бардош ҳосил қилиш — риъзатларда тобланиш оидир. Рамазон инсоннинг ўзлиги ва жамият, Оллоҳ олдидаги синов, имтиҳон оидир. Рамазон маънавий покланиш ва комилланиш оидир. Рамазон, қолаверса, меҳру саховат, муруват оидир.

Ҳўш, юқорида биз тавсиф этган фазилатлар инсонга фақат Рамазон ойида керакми? Йўқ, инсон ҳаёти умрбод маънавий покланиш ва комилланиш жараёнидан иборат бўлиши лозим. Адабтга, инсон оқиб банд. Йил давомида ҳаёт мураккабликлари асоратида унинг ироласи бўшашиши, имони заифлашиши, у ўз қатъиятларидан чекинishi мумкин. Ҳар Рамазон ойида у яна ироласини мустаҳкамлайди, тобланади, камолот қозонади. Шайтон ва Нафсга маълуб этади.

Рамазон ҳайити, маънавий камолот байрами муборақ бўлиб, азизлар!

**Нусратулло Атоулло**  
**ўли ЖУМАХЎЖА.**



## ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида кўпгина халқаро ва республика мусобақаларининг голиблари бўлган ногирон-спортчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда мустақиллик йилларида Ўзбекистонлик спортчилар томонидан қўлга киритилган турли хил 2311 та нишон орасида ногирон-спортчиларнинг ҳам муносиб улуши борлиги, бу эса кўп жиҳатдан мамлакат Президенти ва ҳукуматимизнинг спортчиларга, шу жумладан, ногирон-спортчиларга қўрсатаётган ғамхўрлиги самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мустақиллик йилларида уч марта жаҳон чемпиони унвонига сазовар бўлган Ўзбекистонлик ногирон-футболчиларнинг ғалабаси катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонлик Умид Аҳмедов 1999 йилда армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

«Матонат» ногиронлар клуби президенти Владимир Коротченко 1995 йилда «Шухрат» ва «Жасорат» медаллари билан тақдирланди.

2000 йилнинг 9 январида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловига ногирон-спортчилар давлатимиз раҳбарининг номзоди учун овоз беришга қарор қилишди.

**СУРАТДА:** ногирон спортчиларга қимматбаҳо совғалар топирилмоқда.

**А. РИСКЎЕВ** (ў.а.)  
олган сура.

## БОЛАЛАР ЯХШИЛИКНИ УНУТМАЙДИЛАР

Шўрчи туманидаги 68-мактаб-интернатда тарбияланаётган болаларнинг меҳр-муруват кунларида кўнгиллари кўтарилганини кўрсатди.

Бунга сабаб туман ҳокимлиги раҳбарлигида жамоалар ва талбиркорларнинг 191 нафар болага бошлан-оқ кийим-кечак совға қилгани бўлди. Совғаларни топшириш маросимида болалар катталарга она-Ватан ҳақида, дўстлик ва ўзбекона қадриятлар ҳақида шеърлар ўқиб, кўшиқлар айтиб бердилар.

— Мен етим эмасман. Бошимда соябоним, паноҳим — Ўзбекистон деган Ватаним бор. Шу халқдан — шўрчиликлардан мен миннатдорман, — дейди 12 ёшар Лена исми қизча.

— 1999 йилда одамларимиз ҳашар йўли билан мактабларда 50 миллион сўмликдан зиёд таъмирлаш ишларини амалга оширдилар, — дейди туман ҳокими Шойдилла Мирзаев. — Шифоконалар, ўқув-тарбия муассасалари ҳаминша намунали бўлмоғи керак. Бу ишларда шўрчиликлар ўз муруватларини аямайдилар.

**О. УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўқув жараёнини ташкил этишда лозим бўладиган кўргазмаларни ўқув қуроллари, тренажерлар, дастгоҳлар ва бошқа ўқув ускуналарини сотиб олиш бўйича

**ТЕНДЕР**  
**Ўтказишни ёълон қилади**

Кўргазмаларни ўқув қуроллари, тренажерлар, дастгоҳлар ва бошқа ўқув ускуналарининг таълими бўйича дастлабки кўргазма 2000 йилнинг 15 январидан 15 февралга қадар қўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Политехника касб-хунар коллежи, «Прикарпатская» кўчаси, 44-уй. Тел. 139-10-73, (факс) 139-12-60.

Кўргазмада қатнашиш учун дастлабки аризалар Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази «Коллеж-лицей таъминот» бош бошқармасининг қўйидаги манзилида қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Тел.: 1391073, факс: 1391260.

**Барча манфаатдор давлат корхоналари, хусусий, қўшма корхоналар ва фирмаларни кўргазмага таклиф қиламиз.**

**ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА БАНКИ ЖАМОАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОНЛИК БАРЧА МЎМИН-МУСУЛМОНЛАРНИ ҚУТЛУГ АЙЁМ — РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

**Уларга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-омонлик тилайди.**

**Ватан равнақи ва юрт фаровонлиги йўлидаги меҳнатингизда Яратганинг ўзи мададкор бўлсин!**

**Дунёвий тараққиётнинг оидин йўлидан дадил одимлаётган мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ, келажаги буюқ бўлишига тилакдошимиз. Зотан, бу юртда юз бераётган улғувор ўзгаришлар, оламшумул янгиликлар ана шу ниятларимизнинг яқин вақтларда рўёбга чиқишидан далолат бермоқда.**

**Остонада эшик қоқиб турган XXI аср — Ўзбекистон асри бўлғай, иншооллоҳ!**

Банк манзили:  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-маъзе, 74-уй.  
Телефонлар: (3712) 77-45-19, 77-59-67  
Факс: (3712) 77-34-08. Телекс: 116623 UTB RU.

**UZMASOM**

**«ЎЗМАКОМ»**  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон халқини

**ЎИД ал-Фитр —**  
**Рамазон ҳайити**

билан муборақбод этиш шарафидан мамнун эканлигини изҳор этади.

Сизларга тинчлик, бахт-саодат тилаймиз!

Бизнинг манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8.  
Тел.: (998-71) 100-00-15, 100-00-16, 100-01-31, 100-01-62.  
Факс: (998-71) 100-98-98, 120-63-78.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**  
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси

Бош муҳаррир:  
**Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати:  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),  
Ш. РИЗАЕВ,  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРОХИДИЙ,  
И. ХУДОЕВИЙ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65;  
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;  
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**

Бунортомта Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета PENTIUM-III компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ,  
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.  
Навбатчи — Ф. ШЕРМУҲАММАД, Мусахх — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00  
топирилади — 22.30  
1 2 3 4 5 6